

Шифобахш озуқалар 27-боб



15:00 / 15.02.2021 1957

Фақиҳ Абу Лайс раҳимахуллоҳ айтадилар:

Шаҳр ибн Ҳавшаб Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумадан ривоят қилади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Қўзиқорин марҳаматдандир** (яъни, Аллоҳ таолонинг бандаларига қилган меҳрибонлигидир. Бу таомни уларга экмасалар ҳам берди). **Унинг суви кўзга шифодир. Хурмо жаннатдандир, унда заҳарга шифо бор**», дедилар.

Рабиъ ибн Ҳайсам: «Менда нифос кўрган аёлларга даво бўладиган фақат ҳўл хурмо ва касалларга фақат асал бор», дедилар.

Аъмаш Абу Солиҳдан ривоят қилади: «Иситмага тутдан бирга бир, ёғдан учдан бир, асалдан ҳам учдан бир, сутдан учдан бир аралаштирилади ва ичилади». Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Иситма жаҳаннам иссиқлигидандир. Уни сув билан совутинглар», деганлар.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Асалда барака ва оғриқларга шифо бор. Дарҳақиқат, етмишта пайғамбар уни муборак қилди**», дедилар.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу: «Агар бирортангиз бирон нарсадан шикоят қилса, хотинининг маҳридан уч дирҳам сўраб олиб, унга асал ва сут сотиб олсин, сўнг уни ёмғир суви билан қўшиб ичсин. Аллоҳ унда хотиржамлик, шифо ва муборак сувни жамлагандир».

Муҳаммад ибн Мункадир Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Сурмани кўп ишлатинглар, чунки у сочни ўстиради ва кўзни ўткирлаштиради»** (бир ривоятда: равшанлаштиради), дедилар.

«Бўстонул Орифийн» китобидан